



# ОДИЛ СУДЛОВ

*Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр*

## ПРАВОСУДИЕ

*Правовое, научно-практическое издание*

● *Қонун ҳужжатлари*

● *Суд қарорлари*

● *Суд амалиёти*

● *Суд очерклари*

*Законодательные акты* ●

*Судебные решения* ●

*Судебная практика* ●

*Судебные очерки* ●

5  
2 0 2 2



Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

5/2022

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ  
Робахон МАХМУДОВА  
Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Мирзоулдубек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Замира ЭСАНОВА  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан  
босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача  
бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва  
қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» –  
«Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазир-  
лар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттеста-  
ция комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30  
декабрдаги 201/3-сонли қарори билан док-  
торлик диссертациялари бўйича илмий ма-  
қолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхати-  
га киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий комму-  
никациялар агентлигида 0026-рақам би-  
лан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа  
бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

**Масъул котиб**  
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен»  
республика танловида «Энг яхши ёри-  
тилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бў-  
йича золиб деб топилган.

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**E-mail:** odilsudlov.oliy@sud.uz

**Веб-сайт:** www.odilsudlov.sud.uz

**Telegram:** https://t.me/ODsud

Босишга 2022 йил 25 майда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ.  
Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳри-  
рият компьютерида терилди ва саҳифалан-  
ди. Буюртма – 6.  
Нашр адади 4860 нусха.

**Навбатчи муҳаррир**  
Муталиф СОДИҚОВ

**НАШР ИНДЕКСИ – 909**

**Сотувда келишилган нархда**

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100 139,  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-даҳа, 17-уй



**ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари» ни ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ..... 3

**МУНОСАБАТ**

**Ш. Раҳимов.** Фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил..... 12

**ТАҲЛИЛ**

**О. Ҳазратқулов.** Халқаро хусусий ҳуқуқда замонавий коллизия нормалар вужудга келишининг бошланғич асослари ..... 16

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН**

**Н. Хожалиев.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари..... 23

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**Э. Турғунбоев.** Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтини қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар..... 26

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИДАН**

**Р. Джўраев.** Атроф-муҳит суд ҳимоясида ..... 28

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ**

**С. Бойдедаев.** Коррупцияга қарши курашга доир замонавий қонунчилик ..... 30

**О. Примов.** Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифи..... 36

**ПАРЛАМЕНТ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ**

**А. Раҳимов.** Парламент ва суд ҳокимиятининг ўзаро муносабатларини янада такомиллаштириш масалалари ..... 39

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**М. Абдурахимов.** Экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг процессуал масалалари ..... 44

**СУД ТИББИЁТ ФАНИ ТАРИХИ**

**Ш. Бекназаров, Э. Жуманиёзов, Н. Ганиева, Ж. Бекназаров.** Суд тиббиёт фани ва суд тиббий экспертизаси тарихи ..... 49

**СУД ОЧЕРКИ**

**Н. Жўраев, М. Содиқов.** Бир умрлик жазо ..... 54

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА ..... 79**



## СУД ТИББИЁТ ФАНИ ВА СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТАРИХИ

Жиноий ишларни ўрганиш суд тиббиёти хулосаси талаб қилинадиган ўта зарур жараён ҳисобланади. Шу сабабли ҳам дастлаб 1920 йилда Туркистон давлат университетининг тиббиёт факултетида суд тиббиёти кафедраси ташкил этилган.

Суд тиббиёти фани тиббиёт йўналишларидан бири бўлиб, умумий тиббиёт соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. У умумий тиббиёт соҳалари, ютуқлари ва усуллари билан кенг фойдаланиб, улар билан ҳамкорликда тиббиёт соҳаларини бойитади. Чунки, у ўз амалиётида ўзига тегишли усуллар мажмуини ишлаб чиқиб, улар натижасида тўпланган маълумотлардан тиббиётнинг бошқа соҳалари унумли фойдаланиши мумкин.

Суд тиббиёт фани илмий-назарий ва амалий жиҳатдан эришган ютуқлари билан тиббиёт ва нотиббиёт фанларини бойитади ва ўзи ҳам ўша фанлар ютуқларидан кенг фойдаланади. Мазкур фан, яъни суд тиббиёти, айниқса, тиббиёт фанлари бўлмиш – патологик анатомия, патологик физиология, клиник токсикология, травматология, акушер-гинекология, педиатрия ва нотиббиёт, яъни тиббиётга оид бўлмаган фанлар – криминалистика, физика, химия, математика билан узвий боғлиқдир. Юридик фанлардан криминалистика фани суд тиббиётига яқиндир. Бу фан жиноятчиликни содир этиш тактикаси, келиб чиқиш технологияси ва усуллари ўзлаштириш билан шуғулланади.

Илмий-текшириш ишлари яқунлари натижасида суд тиббиёти фани бойиб бориб, мустақил бўлимларга бўлинади: суд тиббиёти травматологияси, токсикологияси, акушерлик-гинекологияси, гематологияси, сперматологияси, иммунологияси, биокимёси, цитологияси ва бошқалар.

Суд тиббиёти фани қонунлар мажмуасига сўзсиз таянган ҳолда, фуқаролар дахлсизлигига зид бўлмаган тегишли маълумотларни ишлаб чиқади. Жисмоний шахс дахлсизлигига тажовуз оқибатида организмга биологик жиҳатдан путур етказувчи турли хил оқибатлар келиб чиқади. Бу оқибатлар ҳуқук ва суд тиббиёти соҳаларида «жароҳатланиш», ҳозирги пайтда эса «соғлиқга зиён етказиш» деб номланиб, алоҳида гуруҳга киритилади. Жароҳатланиш туфайли суд тиббиёти вазифалари келиб чиқади. Зеро, қонунлар мажмуасига мувофиқ жароҳатларнинг соғлиққа зиён етказиши, даражаси ва оқибатларини аниқлаш лозим бўлади.

Ҳуқуқий жиҳатдан қараганда, жароҳат етказиш ҳуқуқбузарлик ифодасидир. Жароҳатларни таърифловчи тиббий маълумотлар ҳуқуқбузарликни таърифлашда катта аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг ҳуқук ва бурчлари ҳақидаги мажмуа – суд тиббиёти фани учун асос бўлиб, унга мувофиқ ушбу фанда кишиларнинг жинсий дахлсизлиги, соғлиқнинг жисмоний ва руҳий ҳолати, иш қобилияти, балоғатга етишиш ва бошқа хил юридик тушунчалар ишлаб чиқилади. Суд тиббиёти фани мазмунига асос бўлувчи изланишлар ва материаллар икки хил хусусиятга эга. **Биринчиси**, суд тиббиёти фани тиббиётнинг бошқа соҳалари билан, хусусан патологик анатомия билан – мурдаларни текширишда, фармакология ва токсикология билан – захарланишни ўрганишда, клиника билан – шахсларни тиббий гувоҳликдан ўтказишда, гематология, сперматология, иммунологиялар билан далилий ашёларни текширишда узвий боғлиқликда ўз ифодасини топса, **иккинчиси** қонунлар мажмуасининг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процесуал кодекси ва Жиноят кодексларидаги тегишли



моддаларига мувофиқ маълумотларни тиббий жихатдан чуқур таҳлил қилишда намоён бўлади.

Бу борада суд тиббиёт экспертизаси ҳам муҳим ўрин тутди. Суд тиббиёт фани 1920 йилдан ўрганила бошланган бўлса, суд-тиббий экспертизаси 1928 йилдан кенг фаолият кўрсата бошлаган.

Аммо, суд-тиббий экспертизанинг олдинги фаолияти марказлашмаган республика суд-тиббий экспертиза бош бюроси номи билан юритилган ва вилоят, туман филиалларидан ташкил топган эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунининг мақсади суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бош-

қа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади (2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таъдиринда).

Ушбу Қонунда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади. Давлат суд эксперти – давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти хисобланади. Суд эксперти – ҳулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайин-

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари келтирилган. Кафедра фаолиятининг турли даврларидаги раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда кичори малакали илмий-педагогик кадрларнинг тайёрланиши ҳақида маълумотлар таъкидланган. Кафедранинг бакалавриатурада врачларни ва суд-тиббий экспертиза хизмати учун мутахассисларни тайёрлашдаги ўрни алоҳида таъкидланган.

**Калит сўзлар:** Тошкент тиббиёт академияси, суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси.

\* \* \*

В статье изложены этапы становления и развития кафедры судебной медицины и медицинского права Ташкентской медицинской академии. Приведены сведения о руководителях, профессорско-преподавательском составе кафедры и подготовке высококвалифицированных научно-педагогических кадров в разные периоды деятельности. Подчеркнута роль кафедры в подготовке врачей в бакалавриатуре и специалистов для судебно-медицинской службы страны.

**Ключевые слова:** Ташкентская медицинская академия, кафедра судебной медицины и медицинского права.

\* \* \*

The article describes the stages of formation and development of the Department of Forensic Medicine and Medical Law of the Tashkent Medical Academy. Provides information about the leaders, the teaching staff of the department and the training of highly qualified scientific and pedagogical personnel in different periods of activity. The role of the department in training doctors in bachelor's degree and specialists for the country's forensic medical service is emphasized.

**Key words:** Tashkent medical academy, Department of forensic medicine and medical law.



ланган жисмоний шахс. Суд экспертнинг хулосаси (хулоса) – суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжатдир. Суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат (3-модданинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни таҳририда).

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Шахсининг эркинлигини вақтинча чеклашни ёки унинг шахсий дахлсизлиги бузилишини талаб этувчи суд-эксперт текширишлари фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда ўтказилади.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизаси ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қарорлар, суд экспертнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келди деб ҳисоблаган шахс мазкур қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Суд эксперти текширишларни ҳолисона, қатъий илмий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида ҳар томонлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказади (15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2018 йил декабрда Президентимиз томонидан чиқарилган №ПК-4049-сонли Қарор айти вақтда бажарилиши шарт бўлган

кўрсатмалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза бош бюроси Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда – Марказ) этиб қайта ташкил этилиши ҳамда ушбу илмий-амалий марказнинг амалдаги штатлари сонини унинг таъминоти учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида мақбуллаштириш ҳисобига Марказнинг Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар филиалларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлар, ўз навбатида, суд-тиббий экспертиза хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш билан биргаликда ҳуқуқ-тартибот органларига жиноятни очишда ўз вақтида сифатли ва самарали ёрдам кўрсатади. Шунингдек, суд-тиббий экспертиза хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ҳозирги кунга келиб суд-тиббий экспертиза хизмати сифатини янада оширишга имкон яратилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Тошкент тиббиёт Академияси бакалавр битирувчилари томонидан суд-тиббий экспертиза йўналиши бўйича мутахассисликга қизиқувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу боис, бакалавр битирувчилари магистратура ва клиник ординатурада ушбу соҳа бўйича 2 йил давомида малакали таҳсил олиб, улар тиббиёт олийгоҳларида ҳамда республика бўйлаб барча суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказлари филиалларида давлат суд-тиббий экспертлик фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Суд тиббиёти фани нафақат тиббиёт соҳасида, балки ҳуқуқ-тартибот органлари хизмати учун илмий асосланган, сифатли текширув усуллари билан талаб даражасидаги, соҳага тегишли бўлган, жиноятларни олдини олиш ва уларни ўз вақтида аниқлаш учун самарали хизмат кўрсатмоқда.

Бизга маълумки, республикада суд тиббиёт фани ва суд-тиббий экспертизаси ривожланишида бир қанча олимларнинг ҳиссаси салмоқли ўринга эга.





Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ильин Александр Степанович** – 1922-1928 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган. У кафедра музейига асос солган, университет тиббиёт факультети фундаментал кутубхонасининг асосчиларидан биридир.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби **Марковин Иван Васильевич** – 1928-1946 йилларда кафедра мудири бўлган. Республика суд-тиббий экспертиза кабинетининг асосчиси. Қатор йиллар давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суд-тиббий эксперти, уруш йилларида эса Республика Ҳарбий трибуналининг бош тиббиёт эксперти бўлган. У кафедра музейи фондини бойитишга катта эътибор берган.



Тиббиёт фанлари номзоди, доцент, хизмат кўрсатган врач **Колосова Нина Федоровна** – 1946-1953 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган. Н.Ф. Колосованинг илмий фаолияти асосан туғма нуқсонларнинг суд-тиббий аҳамиятини ўрганишга бағишланган.



Тиббиёт фанлари доктори **Шаҳобиддинов Сирожиддин Шаҳобиддинович** – 1953-1963 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган. Шу йилларда бир пайтнинг ўзида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза Бош бюроси бошлиғи, вазирликнинг бош суд-тиббий эксперти лавозимида ишлаган. У кафедранинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва унинг суд-тиббий экспертиза муассасалари билан алоқасини яхшилашга катта эътибор берган.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Эйдлин Лазарь Маркович** – кафедрага 1963-1966 йилларда раҳбарлик қилган. Унинг илмий изланишлари асосан ўқ отар қуроллардан етказилган жароҳатлар ва ашёвий далилларнинг суд-тиббий экспертизаси масалаларига бағишланган.



Тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Раҳимов Анвар Раҳимович** – 1966-1971 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган. У транспорт жароҳати ҳолларида суд-тиббий экспертиза масалаларига бағишланган кўплаб илмий ишлар муаллифи ҳисобланади.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Тўлаганов Позил Жўраевич** – 1971-1976 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган. Бу даврда кафедрада илмий ишлар жонланган. У тиббиётнинг бошқа соҳалари – патологик анатомия, акушерлик-гинекология, стоматология бўйича диссертацияларга раҳбарлик қилган.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Жалолов Жалил Жалолович** – 1976-2003 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган, кейинчалик шу кафедра профессори лавозимида ишлаган.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ғиёсов Зайниддин Асомиддинович** – кафедрага 2003-2012 йилларда раҳбарлик қилган. 1984-2012 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси бошлиғи, вазирликнинг бош суд-тиббий эксперти бўлиб ишлаган. 1993 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида суд тиббиёти курсини ташкил қилган ва айни пайтгача ушбу курснинг профессори.





Тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Бахриев Иброхим Исомадинович** – 2012 йилдан кафедра мудирлари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Кафедрада илмий ишлар асосан ашёвий далилларни текшириш, нозўраки ўлим, ўз-ўзини ўлдириш, тиббий фаолиятнинг ҳуқуқий масалалари мавзуларида олиб борилмоқда.



Тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Бекназаров Шокир Йўлдошев** – 1974-1986 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедрасининг аспиранти, ассистенти, 1994 йилдан Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедраси доценти, 2005 йилдан эса Тошкент тиббиёт Академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Жуманиёв Эркин Худайбергано**вич – 1992-2000 йилларда ушбу институтнинг суд тиббиёти кафедраси аспиранти, ассистенти бўлган. Ҳозирда суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси магистратура дастури директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Ешмуратов Балтабай Алланиязов**ич – 1991-1994 йиллар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедраси мудирлари, 1994-1997 йиллар Тошкент педиатрия тиббиёт институти суд тиббиёти кафедраси доценти, 1997-2020 йиллар Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи лавозимида ишлаган.

2021 йилдан Тошкент тиббиёт Академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб келмоқда.



Кафедра ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди **Лочинов Фарҳод Назаров**ич – 1992-1999 йилларда ушбу институтнинг суд тиббиёти кафедраси ассистенти, аспиранти бўлган. 1999-2007 йилларда Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросида суд-тиббий эксперти, бўлим мудирлари, 2008-2012 йилларда Тошкент давлат юридик институтида «Криминалистика» кафедраси катта ўқитувчиси, 2012-2020 йилларда ЎЗР ССВ суд-тиббий экспертиза бош бюросида, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят суд-тиббий экспертиза бюраларида суд-тиббий эксперти лавозимида ишлаган. 2020 йилдан Тошкент тиббиёт Академияси «Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи» кафедрасида ассистент лавозимида ишлаб келмоқда.

Шундай қилиб, республикада суд тиббиёт фани ва суд-тиббий экспертиза амалиёти ривожланишининг тарихида юқорида зикр этилган буюк сиймоларнинг, шунингдек бир қатор суд тиббиёти йўналишида олийгоҳларда фаолият кўрсатаётган доцент, профессорларнинг шу соҳа юксалиши учун яратган илмий-амалий услуб ва янгиликлари муносиб тақдирланиб, суд тиббиётининг амалий ва назарий жараёнларида кенг қўллаб-қўллангани, ҳуқуқшунос идоралар ходимлари томонидан қўйилган саволларга илмий асосида ёндашиб жиноят ва фуқоралик ишларини ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилиб келмоқда.

**Ш. БЕКНАЗАРОВ,  
Э. ЖУМАНИЁЗОВ,  
Н. ГАНИЕВА,  
Тошкент тиббиёт  
Академияси доцентлари,  
Ж. БЕКНАЗАРОВ,  
Тошкент стоматология  
институти ассистенти**